

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ

ХАБИБУЛЛАЕВА ГУЛБАХОР РАХУЛЛАЕВНА

**ЧИНОРСОЙ ВА КОКПАТАС ОЛТИН-СУЛЬФИДЛИ
МАЪДАНЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИК МИНЕРАЛОГИЯСИ ВА
УНИНГ АСЛ МЕТАЛЛАРНИ АЖРАТИБ ОЛИШ УСУЛЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШДАГИ АҲАМИЯТИ**

04.00.08 – Минералогия. Кристаллография

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хабибуллаева Гулбахор Рахуллаевна Чинорсой ва Кокпатас олтин-сульфидли маъданларининг технологик минералогияси ва унинг асл металлари ажратиб олиш усуллари ишлаб чиқишдаги аҳамияти.....	3
Хабибуллаева Гулбахор Рахуллаевна Технологическая минералогия золото-сульфидных руд месторождений Чинарсай и Кокпатас и ее значение при разработке способов извлечения благородных металлов.....	21
Khabibullaeva Gulbakhor Rahullayevna Technological mineralogy of gold-sulphide ores of Chinarsay and Kokpatas deposits and its importance in developing of extraction methods of noble metals.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	42

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ

ХАБИБУЛЛАЕВА ГУЛБАХОР РАХУЛЛАЕВНА

**ЧИНОРСОЙ ВА КОКПАТАС ОЛТИН-СУЛЬФИДЛИ
МАЪДАНЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИК МИНЕРАЛОГИЯСИ ВА
УНИНГ АСЛ МЕТАЛЛАРНИ АЖРАТИБ ОЛИШ УСУЛЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШДАГИ АҲАМИЯТИ**

04.00.08 – Минералогия. Кристаллография

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/GM25 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Геология ва геофизика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.gpniimr.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) манзиллариг жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Дунин-Барковская Элеонора Ашотовна
геология-минералогия фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Цой Владимир Деньевич
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Туресебеков Арпай Халилович
геология-минералогия фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

«Олмалиқ кон-металлургия қоғинати» АЖ

Диссертация ҳимояси Минерал ресурслар институти, Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.GM.40.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 11а).Тел.: (99871) 256-13-49, факс: (99871) 140-08-12; e-mail: info@gpniimr.uz, gpniimr@exat.uz).

Диссертация билан Минерал ресурслар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 11а-уй. Тел.: (99871) 256-13-49).

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р. Ахунджанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

К.Р. Мингбоев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, г.-м.ф.н.

Х.А. Акбаров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, г.-м.ф.д., академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида мураккаб бўлган олтин-сульфидли маъданлардан олтинни ажратиб олишнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай маъданли конлар дунёнинг турли давлатларида аниқланган бўлиб, улардан асосан сульфидларни бактериал ишқорлаш усули билан олтин ажратиб олиш амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан технологик минералогияда мураккаб олтин-сульфид-маргимушли маъданлардаги олтиннинг типоморф хусусиятларини аниқлаш «BIOX» технологиясини жорий қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда дунёнинг тараққий этган мамлакатларида технологик минералогия бўйича нанотехнология ва энг янги усуллардан фойдаланиб олтинни учраш шаклини ва қийин бойитиладиган маъданларда олтин ташувчи минералларни ўзига хос хусусиятларини аниқлашга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан ЖАР, АҚШ, Россия каби давлатларда асл металлларни бойитиш бўйича экспериментал ва ярим саноат синовлари ўтказилмоқда. Минералогик тадқиқотлар босқичида электрон микрондлаш, кимёвий ва спектрал усулларини қўллаш асл металллар ва минералларни ўзига хос хусусиятларини аниқлашда ҳамда уларни ажратиб олиш бўйича самарали технологик схемаларни танлаш имконини беради.

Республикада технологик минералогия йўналиши бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида муайян ютуқларга эришилмоқда. Хусусан, ўттиздан ортиқ мураккаб олтин-сульфидли маъдан ҳудудлари аниқланган ва босқичма-босқич тоғ-кон саноати корхоналари томонидан ўзлаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясида «...ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражасини ва дароматларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, ...салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш...»¹ вазифалари белгилаб берилди. Бу борада, минералогик-технологияда мураккаб олтин-сульфидли маъданлардан олтинни тўлиқроқ ажратиб олишга бағишланган илмий-экспериментал ва ярим саноат тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3004-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ягона геология хизматини тузиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2018 йил 1 мартдаги ПҚ-3578-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси»га Фармони.

вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республиканинг фан ва технологиясини ривожланишининг VIII – «Ер ҳақидаги фанлар» (геология, геофизика ва минерал хомашёни қайта ишлаш) устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бутун дунёда олтин-сульфидли конлар олтин қазиб олишнинг энг муҳим манбайи бўлиб хизмат қилади. Бундай конлар Канада, АҚШ, ЖАР, Франция, Россия ва б. давлатларда маълум. Уларни ўрганиш билан дунёнинг етакчи олимлари: G.H. Burg, L.J. Cabri, V. Newville, R.A. Gordon, N.J. Cook, S.L. Chrissyoulis, M.Reich, A. Deditius, J.W. Li, C.Q. Ma, M.A. Parada, F. Barra, F. Mittermayr, R. Seltman, G. Simon, Н.В. Петровская, М.И. Новгородова, А.Д. Генкин, А.В.Волков, П.Ф. Иванкин, Н.И. Назарова, Л.Н. Марченко, В.Г. Моисеенко, С.Г. Кряжев, М.С. Рафаилович ва б. шуғулланганлар. Ўзбекистонда комплексли ва қийин бойитиладиган олтин-сульфидли маъданларни Р.П.Бадалова, С.Т. Бадалов, Э.А. Маркова, М.И. Моисеева, С.Я. Клемперт, Э.А. Дунин-Барковская, Г.М. Чеботарева, Р.И. Конеев, В.Д. Цой, И.В.Королева, С.М. Колоскова, А.Х. Туресебеков, А.З. Умаров ва б. Қийин бойитиладиган маъданларни «ВЮХ» усулида ўрганиш билан М.Г. Сағдиева, И.К. Рожкова, А.Б. Живаева ва б. микробиологлар шуғилланганлар.

Эришилган илмий натижаларга қарамай ҳозирги вақтда бир қатор хал қилинмаган масалалар технологик минералогия соҳасида мавжуд. Жумладан, қийин бойитиладиган ва комплексли маъданларни қайта ишлаш жараёнида олтин ажратиб олиш даражасини кўтариш учун минералогик, технологик жараёнда кўшимча илмий экспериментал ва ярим саноат синовлар ўтказиш талаб этилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон олтин қазиб олувчи саноатининг асосий мақсади Қизилкум худудида олтин-сульфид-маргумушли маъданларни қайта ишлашда «ВЮХ» технологиясини мувафаққиятли ўзлаштириб олиш ва жорий қилишдир. Технологик минералогияда нанотехнология ва тадқиқотнинг энг янги усуллари, олтин шакллари ўрганишда, қўллаш қийин бойитилувчи маъданларни технологик қайта ишлаш ва бойитиш жараёнидаги муаммоли масалалар ечимини топиш имкониятини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Геология ва геофизика институти ҳамда Минерал ресурслар институтларининг илмий тадқиқот ишлари доирасида К-6-19 «Ғарбий Ўзбекистон конларининг сульфид-маргумушли маъданларида олтинни учраш шакллари аниқлаш технологиясини ишлаб чиқиш (минералогик, кимёвий ва экспериментал-технологик маълумотлар бўйича)» (1996-1997 йй.), № 794 «Ўзбекистон қаттиқ фойдали қазилма конлари минерал хом ашёларини қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш ва

мукаммаллаштириш» (2008-2011 йй.), № 818 «Ғарбий ва Жанубий Ўзбекистоннинг олтин маъданли конларини сульфидли маъданларини бойитиш технологик тадқиқотлари ва ярим саноат синовлари натижаларини янги импорт ўрнини босувчи реагентларни қўллаб бажариш» (2008-2009 йй.), № 849 «Биологик ишқолаш қайта ишлаш маҳсулотини таркибий қисмини минералогик тадқиқот усули билан ўтказиш» (2008-2009 йй.), № 859 «3-КМЗ қайта ишлаш маҳсулотларини минералогик тадқиқотлари» (2011 йй.), № 991/1 «Кокпатас ва Даугизтов конлари сульфидли маъданларининг кичик хажмли технологик намуналарини таркибий қисми ва бойитилишини ўрганиш натижалари» (2013-2014 йй.) каби амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади икки хил олтин-сульфидли маъданларни ҳосил бўлишига кўра турлаштириш ва технологик жараёнларда уларни бойитилишининг минералогик-технологик мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маъданни тўлиқ кимёвий ва минерал таркибини миқдорий асосда ўрганиш;

олтин ва бошқа компонентларни топилиш шакллари аниқлаш;

маъдан ва номаъдан минералларнинг микро- ва макропарагенезисларини бойитиш жараёнига таъсирини аниқлаш;

олтин ва олтин ташувчи сульфидларнинг қайта ишлаш жараёнида ўзларини тутиш қонуниятини аниқлаш;

икки турдаги олтин-сульфидли маъданларнинг (туғма олтинли олтин-колчедан-полиметалли ва топилиш шакли кўринмас бўлган олтин-сульфид-маргимушли) бойитилиш минералогик-технологик мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хандиза маъдан майдонининг Чинорсой кони ва Кокпатас маъдан майдонининг Кокпатас кони танланган.

Тадқиқотнинг предмети олтин-сульфидли (олтин-колчедан-полиметалл ва олтин-сульфид-маргимушли ост турлари) маъданларнинг минерал таркиби ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишда тадқиқотнинг замонавий физик-кимёвий ва минералогик усулларида фойдаланилди: ўтувчи ва акс қайтувчи нурда оптик микроскопия, электрон микроскопия, минералларнинг кимёвий таркибларини электрон микронд билан таҳлил этиш, маъданларни кимёвий спектрал ва масс-спектрал таҳлиллари ва б.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олтин маъданлашувининг технологик хусусиятлари унинг табиий ҳосил бўлиш шароитига боғлиқлиги аниқланган;

илк бор Ўзбекистон рудалари учун олтин-сульфидли маъданларини бойитилишини башорат қилувчи минералогик-технологик мезонлари ишлаб чиқилган;

олтин-сульфидли маъданлардан ярим саноат ва экспериментал ишлар жараёнида кўринувчи ва кўринмас олтиннинг намоён бўлиш ҳолати аниқланган;

иоцитнинг янги марганецли турдоши ҳамда Ерда иккинчи топилма зюссит аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

олтин-колчедан-полиметаллик ва олтин-сульфид-маргимушли ост турининг типоморфик хусусиятлари аниқланган;

бирламчи маъданларда олтинни учраш шакллари аниқланган;

маъданларга технологик қайта ишлов бериш жараёнида (гравитацияда, флотацияда, биооксиллашда, куйдиришда ва б.) сульфидлардаги олтинни намоён бўлиш даражаси белгиланган;

Ўзбекистонда биринчи марта технологик ва генетик минералогия бирлашган ҳолда бажарилган ҳамда олтин-сульфидли маъданнинг икки ост турлари технологик хусусиятларининг алоқаси уларнинг ҳосил бўлиш шароитлари билан боғлиқлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўрганилаётган конларнинг технологик намуналарини, намуналар ва майдаланган фракцияларни (500 донадан ортик), шаффоф шлифларни (200 дона), аншлиф ва брикетларни (300 донадан ортик) минералогик тадқиқотлари материалларига асосланади. Шаффоф шлифлар, силлиқланган шлифларни оптик ва электрон микроскоплар остида ўрганиш ва баён этиш, минералларнинг кимёвий таркибларини электрон микрондда (80 дан ортик аншлиф ва брикет) ўрганиш, маъданни кимёвий тахлили ва уни минерал таркибга қайта ҳисоблаш (35 та намуна) амалга оширилди, шунингдек масс-спектрал, рентген-фазавий ва бошқа тадқиқот усулларида фойдаланилган. Тахлиллар сертификацияланган лабораторияларда ўтказилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти генетик ва технологик минералогиянинг бирлашган ҳолда бажарилганлиги ва олтиннинг технологик жараёнда шаклланишининг минералогик-генетик хусусиятлар билан боғлиқлиги аниқланганлигидир. Шунингдек, ишлаб чиқилган Ўзбекистон рудалари учун олтин-сульфидли маъданларини бойитилишини башоратловчи минералогик-технологик мезонлари кейинги илмий тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маъданларда ўтказилган минералогик ва технологик кўрсаткичлари 3-КМЗ, «МРИ» ДК ва Ингичка ТМТЭ синовларида олтинни ажратиб олишни яхшиланганлигига хизмат қилган. Олтин-сульфидли маъданларни бойитилишининг башорати ишлаб чиқилган минералогик-технологик мезонларидан геология-қидирув ишларининг илк босқичларида ва технологик синовлар жараёнида фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олтин-сульфидли маъданларининг технологик минералогияси ва унинг асл металларни ажратиб олиш усуллари ишлаб чиқишдаги аҳамияти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

олтин-колчедан-полиметалл ва олтин-сульфид-маргимушли маъданларни бойитиш жараёнига таъсир қилувчи асосий минералогик

омиллар «Навоий кон-металлургия комбинати» ДКда амалиётга жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2018 йил 8 ноябрдаги 01-02-02/269-сон маълумотномаси). Натижада технологияларни мукамаллаштириш ва маъданлардан олтинни ажратиб олишни кўпайтириш имконини берган;

олтиннинг ва таркибида олтин бўлган минералларнинг технологик жараёнда ўзини тутиши хоссалари (Чинорсой ост тури) «Навоий кон-металлургия комбинати» ДКда амалиётга жорий қилинган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2018 йил 8 ноябрдаги 01-02-02/269-сон маълумотномаси). Натижада маъданларни энг самарали қайта ишлаш схемасини танлаш имконини берган;

олтиннинг ва таркибида олтин бўлган минералларнинг қайта ишлаш технологик жараёнда ўзини тутиши хоссалари (Кокпатас ост тури) Навоий кон-металлургия комбинати» ДКда амалиётга жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2018 йил 8 ноябрдаги 01-02-02/269-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқаришда «ВЮХ» технологиясини такомиллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқотларнинг натижалари республиканинг 5 та илмий-амалий ва илмий-техник конференцияларида маъруза қилинди ва муҳокамадан ўтди.

Тадқиқот натижаларининг нашр қилинганлиги. Диссертация мавзуси и бўйича 23 та илмий ишлар чоп этилган. Шулардан 14 таси тезис, 9таси илмий мақола, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий атестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган, жумладан, 7таси республика ва 2таси хорижий журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисмидан, тўртта бобдан, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ишининг ҳажми 131 матн varaғини ташкил этади

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва устиворлиги, мақсад ва вазифаларини асослаб берди, иш объекти ва предмети тавсифланди, республиканинг илм-фан ва технологиясини ривожланишининг устивор йўналишларига мувофиқ келиши кўрсатиб ўтилди, илмий янгиликлари ва амалий натижалари баён этилди, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилди, геологик ишлар амалиётига тадбиқ этиш бўйича, чоп этилган мақолалар ва диссертация тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилди.

Диссертациянинг биринчи **«Чинорсой палеовулқонининг риолитлардаги томирча-метасоматитли олтин-колчедан-полиметаллик маъданлашувининг ост тури»** бобида Чинорсой кони ўрганилиш тарихи, қисқача геологик ва минералогик тавсифлари ва маъданлашувларни генетик хусусиятлари келтирилган.

Олтин-колчедан–полиметалл бўлган Чинорсой кони, худудларида саноатбоп колчедан-полиметалл Хандиза кони жойлашган Хандиза маъдан даласи таркибига киради. Колчедан-полиметаллик уюмлар, кварц-сульфидли олтин таркибли томир ва томирча-хол-холли маъдан таналари асосан, қуйи тошқўмирнинг субмарин нордон такибли вулканизми билан боғлиқ бўлган, вахшивар свитасининг риолитли туфлари горизонтида жойлашган.

Тадқиқот материали оғирликлари 100 кг. ва 90 т. бўлган икки техологик намуналар кўринишида тақдим этилди. Маъдан лаборатория намунасида маъданли компонентларига бой бўлиб чиқди ва олтин-кумуш-колчедан-полиметалл турга киритилди, ярим саноат намунаси эса - қашшоқроқ ва олтин- ва кумуш таркибли колчедан-полиметаллик турга киритилди.

Намуна материали колчедан маъданининг бўлакчаларидан, ҳамда кесувчи ва қатламлараро кварц томирчалари бўлган гидротермал ўзгарган қамровчи жинслардан ташкил топган. Лаборатория намунасида сульфидлар 16% атрофида, яримсаноатда эса – 6% атрофида, оксидланиш даражаси жуда кучсиз.

Ярим саноат намунасида олтиннинг таркиби – 1,18-1,5 г/т, кумушники – 10,4-13,5 г/т, кўрғошинники – 0,3%, рухники – 0,5%, мисники – 0,03%, олтингугурт сульфиди - 2,73%. Лаборатория намунасида: олтин – 7,2-9,2 г/т, кумуш – 44,0-47,6 г/т, кўрғошин – 2,62-2,7%, рух – 3,26-3,57%, мис – 0,31-0,4%, олтингугурт сульфиди -6,51%.

Асосий бўлган маъдан минераллари – пирит, сфалерит, галенит, хира маъдан ва, гохида, халькопирит нотекис тарқалганлар, улар массив, доғсимон, уячали ва хол-хол текстураларни ҳосил қилади. Қамровчи жинс ҳосил қилувчи минераллар– кварц, дала шпат, биотит ва уларни гидротермал ўзгаришга учраган махсулотлари – серицит, хлорит, карбонатлар. Томир минераллар – кварц (асосан), доломит, анкерит. Акцессорлар – циркон, рутил, апатит, магнетит, зюссит, иоцит, монацит. Зюссит ва иоцит – жуда камёб бўлган минераллардир. Маъданнинг қимматли компонентлари Au, Ag, Zn, Pb, S, Cu, Cd дан иборат.

Асл металллар: топилиш шакллари, тарқалиши

Олтин. Микроскопик кузатишлар ва электрон микрозондлаш жараёнларида олтиннинг иккита асосий махсулдор парагенетик ассоциациялари намоён этилди: олтин-пирит-кварцли (анча эртанги); олтин-полиметалл-кварцли (сфалерит, хира маъдан, халькопирит, галенит).

Биринчи ассоциациядаги олтин кўпинча пирит ва кварцда жойлашган. Пиритда у қўшма доналар ёки унинг худудларидан чиқмаган катаклаз дарзликларида октаэдрик микрокристаллар кўринишида ўрнашган. Хира маъдан ва халькопирит олтин билан ўсишади ва микропарагенезислар ҳосил қиладилар: а) олтин-халькопирит-хира маъдан-пиритли; б) олтин-халькопирит-пиритли; в) олтин-хира маъдан-пиритли. Соф олтин бўлакларининг шакли ушбу ассоциацияда октаэдрик, ксеноморф, пластинкали-буқланган ва дарзликлар бўйлаб чўзилган. Олтинчаларинг ўлчамлари 0,00п дан 0,2-0,4 мм.гача ўзгариб туради, кўпроқ, 0,01-0,1 мм.ли. Пиритда ва кварцда олтиннинг софлиги юқори (900-924%). Атом-

абсорбцион тахлил натижалари кўра пирит концентратида олтиннинг таркиби 480 г/т.

Олтин-полиметалл-кварцли махсулдор ассоциацияда барча сульфидларда олтинчалар топилган. Соф олтин микродарзликларда ва сульфидларнинг контактларида жойлашган кўшмалар кўринишида. Ушбу ассоциациясида олтин кўпинча хира маъданда (тетраэдрит), сфалеритда ва баъзан, халькопиритда, галенитда кузатилган. Микродоначаларни шакллари чўзиқ томирчали, симсимон, пластинкали, бурчакли, пентагондодекадрок ва ксеноморф. Кўпинча чўзилган, қиррадор кристаллари ва уларнинг ўсмалари учрайди. Бўлақларнинг ўлчамлари 0,004 дан 0,25 мм, устивор бўлгани - 0,0н мм. Олтинни софлиги – 820-895%. Халькопирит ва галенитдаги олтинчалар, Ag дан ташқари, 1,5%гача Cu эга.

Атом-абсорбцион тахлиллар натижалари бўйича сфалерит концентрациясида олтинни таркиби 0,68-7,4 г/т, хира маъдан билан галенитда – 27,35 г/т, пирит-сфалерит-хира маъдан-галенитли сульфидли концентратларда (кварц билан ўсмаларда) – 100,0 г/т. аниқланган. Ушбу парагенетик ассоциацияда кварц кул ранг, ўта сульфидлашган, олтиндор. Гипоген олтинни 11 та олтинчалар бўйича ўртача софлиги 890% (820-924).

Гиперген олтин. Сульфидли гравиоконцентратда гохида гиперген минералларнинг (темир гидрооксиди, ковеллин ва б.) кукунлари ва пўстчалари учрайди. Олтин ёрқин-сарик рангга, дўнг юзали пластинкача шаклга ва октаэдр шаклдаги кучсиз қиррадор кристалчаларнинг ўсмаларига эга. Олтинчаларнинг ўлчамлари 0,4x0,5 мм.гача. Штольни горизонтидаги сульфидли олтин-полиметаллик маъданда оксидланиш жараёни заиф намоён бўлган, эхтимол, ушбу олтинчалар иккиламчи бўлиши мумкин ва кам тарқалган. Иккиламчи соф олтинни софлиги 974%.

Рационал тахлил натижаларига кўра, 72,9% олтин эркин кўринишда бўлиб, яхши цианидланади. Темир оксидлари билан боғлиқ бўлган олтин 11%ни, сульфидлар билан боғлиқлари – 11%ни ва жинс ҳосил қилувчи минераллар билан боғлиқ бўлганлари – 5,1%ни ташкил қилади. Маъдандан ажратиб олинган минерал ва уларнинг ўсмаларидаги олтин ва кумушнинг таркиблари ҳам, маъданни бойитиш тартибини ва услубларини ишлаб чиқишда фойдаланиш учун керак бўлган маълумотлар беради.

Кумуш. Ярим саноат технологик намунада таркиби 13,4 г/т, лаборатория намунасида - 44,0 г/т. Кумуш соф олтин ва хира маъдан таркибида учрайди.

Сульфидлар ва уларнинг асл металлари тўпланишларидаги ахамияти. Сульфидларнинг характерли томони шундаки, улар ўзининг хусусий минераллашган пирит ва полиметаллик худудларини ва парагенетик ассоциацияларини ҳосил қилишади

Пирит – лаборатория намунасида унинг таркиби 8,0-8,5%, ярим саноатда – 4,3%. Доналарнинг ўлчами 0,02 дан 1 мм.гача бўлиб, массив бўлақларни, уячалар, куюқ ҳол-ҳолликларни ҳосил қилади. Кристалларининг шакли пентагондодекаэдр ва куб. Пирит кучсиз катаклазлашган, катаклаз дарзликлари олтиндор хира маъдан, гохида халькопирит билан тўлдирилган.

Полиметалл минераллар. Улар асосан сфалерит, хира маъдан, халькопирит ва галенитлардан ташкил топган. Улар бир-бирлари билан узвий ўсмалар ҳолатида, кечроқ ҳосил бўлган олтин-полиметал-кварцли парагенетик ассоциацияни ташкил этадилар ва массив, йирик уячали, лингзасимон, томирчали бўлақлар эга. Асосан нотўғри, ксеноморф, таблеткасимон шаклли доналарни ҳосил қиладилар. Доналарнинг агрегати бир неча сантиметргача бўлган йирик массив бўлақлар, уялар, баъзан, томирчалар ҳосил қиладилар. Бўлақларнинг ўлчамлари 0,001дан 3 ммгачан.

Сфалерит. Маъданнинг лаборатория намунасида 4-4,5% ташкил этади, ярим саноат намунада – 1% атрофида.

Хира маъдан. Лаборатория намунасида хира маъданни таркиби 0,7-0,8%, ярим саноат намунада эса 0,15%. Хира маъдан гуруҳида кумуш таркибли тетраэдрит ва тетраэдрит-теннантит изоморф каторнинг оралиқ минерали ажратилган.

Биринчи маҳсулдор олтин-пирит-кварцли ассоциацияда хира маъданнинг асосан, теннантитли молекулалар устиворлик қилувчи оралиқ таркиби тараққий этган, ахён-ахёнда тетраэдрит учрайди.

Иккинчи олтин-полиметалл-кварцли парагенетик ассоциацияда хира маъдан кенг тарқалган ва тетраэдрит ҳамда оралиқ турдошлари билан тақдим этилган.

Галенит. Лаборатория намунасида унинг таркиби 2,5-3% ва ярим саноат намунада ~0,5%. Минерал асосан иккинчи парагенетик ассоциацияда ривож топган. Маъданда олтинсиз кварц-галенитли анча кеч томирчалар учрайди.

Халькопирит маъданда жуда кам тарқалган.

Номаъдан минераллар ва уларнинг маъданни бойитиш жааёнларига таъсири. Жинс ҳосил қилувчи минераллар маъданни олтин, кумуш, руҳ ва бошқа кимёвий элементлар билан бойитишда икки ёқлама рол ўйнайди. Бир томондан, улар генетик жихатдан (серицит, хлорит, карбонатлари) ва парагенетик жихатдан (кварц, карбонатлар) маъдан ҳосил қилувчи жараёнлар билан боғлиқ ва маъдан таналарида олтин ва кумуш минераллари, Zn, Cu, Fe, Pb сульфидлари ва бошқалар тўпланади. Бошқа томондан – улардаги айнан узвий ўсмалар ва айниқса ўсишмалар, кўшмалар маъдани бойитиш жараёнини мураккаблаштиради.

Иоцит (FeO) – камёб минерал. Илгари Хисор тизмасидаги липаритларда аксессуар сифатида кўрсатилган (Долимов, Юсупов, 1975). Биз томонимиздан Чинорсой конининг маъдан худудидаги липарит формациясини ўзгарган вулқон жинсларида учратилган. Кубик кристаллар ҳосил қилади. Таркиби жихатидан соф иоцит ва янги марганецли (Mn – 11,2%) турдоши тақдим этилган. Иоцитни кристаллик кимёвий формуласи – FeO ва уни марганцли турдошиники – $(Fe_{0,82}Mn_{0,18})O$.

Зюссит (Fe₃Si) – жуда камёб бўлган минерал. Метеоритларда учраган (Kelle, Berkley, 1980). Ерда биринчи мартаба Фарбий Тян-Шанни Чотқол тоғларида аниқланган (Новгородова, Юсупов ва б., 1983). Чинорсой конидаги маъданларда зюссит кремнийли ҳосилаларда иоцит, пирротин билан ассоциацияда, кўндаланг кесим ўлчами 100x50 мкм, овал, тухумсимон бўлақ

кўринишида топилган. Минералда марганец аралашмаси иштирок этади. Зюситни кимёвий таркиби ва кристаллографик формуласи: $Fe_{85,47-87,77}; Si_{13,90-11,70}$ ва $Mn_{0,63-0,55}; (Fe_{3,05}Mn_{0,02})_{3,07}Si_{0,97}$ ва $(Fe_{3,13}Mn_{0,02})_{3,15}Si_{0,84}$. Бизнинг фикримизча, Чинорсойда зюситни ҳосил бўлиши асосан Чинорсой палеовулканининг отилиши экстремал субмарин муҳитида бўлиб, нордон лавани қуйилиш жараёнида юқори ҳарорат ва босимнинг тез тушиши билан кузатилади.

Маъдандаги соф олтиннинг технологик хусусиятлари қуйидагилар билан аниқланади: 1) уни кварц ва сульфидларда тарқалиши; 2) олтинча ўлчамларини юпқа диспердан то 0,3 мм.гача бўлган кескин фарқланиши. Олтиннинг ушбу хусусиятлари, уни ажратиб олиш технологиясини гравитация ва флотациянинг биргаликдаги, мажмуавий сифатда белгилаб беради (Попов ва б., 2010). Анча йирик олтинчалар гравитация услуги билан ажратиб олинади, анча кичик ва юпқа дисперслиси уларни камровчи сульфидлар билан биргаликда флотациялаш йўли билан ажратилади.

1. Ажратиб олишнинг селектив услубига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар: а) кўринадиган (чангсимон, майда) соф олтиннинг маъдандаги барча сульфидларда (пирит, сфалерит, халькопирит, галенит, хира маъданларда) тарқалиши; б) Fe, Zn, Cu ва Pb сульфидларининг ўзаро узвий ўсишишлари. 2. Слюдали (серицит, хлорит) минераллар, кварц ва карбонатлар билан ўсма холатида бўлган майда донали сульфидлар жуда ёмон флотацияланади ва фойдали компонентларни ажратиб олишни ёмонлаштиради.

Олтинни жамоавий полиметаллик ва пиритли концентратларидан гравитация+ флотация+цианидлаштиришда ажратиб олиш мумкин. Олтин ва бошқа компонентларни маъдандан ажратиб олиш асосан, реагент танлашга боғлиқ (Попов ва б., 2010).

Иккинчи боб «Терриген-вулканоген қатламларда томирча-хол-холли олтин-сульфид-маргимушли маъданлашувлар (кокпатас ост тур)».

Кокпатас кони Бўконтон тоғларида жойлашган. Маъдан даласи асосан, Кокпатас конини (I-Жанубий ва II-Жанубий участкалар) ва олтинга истиқболли 30 дан ортиқ майда карьерли участкаларни ўз ичига олади (Дайкали, Широтний, Фарбий, Шарқий ва б.). Маъдан даласи карбонатли (жусқудуқ свитаси – С₁), чўкинди-вулканоген (қорашох свитаси – С₂) ва кремний-углеродли сланецлар (кокпатас свитаси – R₂₋₃) ва уларни ёриб чиққан ўрта тошқўмир ва перм ёшидаги дайкалар серияси мажмуаси билан тақдим этилган. Маъдан қорашох свитасида шаклланган. З.М.Абдуазимова томонидан қорашох свитаси, таркиби ва ёши бир турда бўлмаган, шаклланиши С₂да яқунланган қорашох қатлами деб қайта номланган. Экраловчи бўлган кокпатас свитасининг ётқизиқлари қорашох қатлами учун геокимёвий тўсиқ ролини ўйнайди.

Минералогик тадқиқотлар Фарбий, Широтний, Дайкали, Шарқий ва 3-ТМЗ участкаларидан олинган технологик намуналар бўйича ўтказилди: бўлакчали ва майдаланган (гравиоконцентрат, флотоконцентрат, биооксид махсулотлари ва б.) материаллардан фойдаланилди.

Кокпатос конини маъданлари томирча хол-хол олтин-сульфидли геологик-саноат турга киритилган. Минералогик хусусиятларига кўра маъданни олтин-сульфид-маргимушли ост турга киритиш мумкин. Улар асосан майда кристаллик тузилишлари, минерал таркибининг доимийликлари билан хусусиятланадилар. Асосий минераллари пирит, арсенопирит, камроқ даражада пирротин, хира маъдан, сфалерит, халькопирит, антимонитлар ҳисобланади. Ni, Co, Ag, Pb, Sb (кобальтин, герсдорфит, никелин ва б., сульфотузлар ва сульфоарсенидлар) минераллари учраб туради.

Номаъдан минераллар: кварц, серицит (гидрослюдадар), дала шпати, хлоритлар, карбонатлар, углеродли махсулот (УМ), акцессорлари – апатит, рутил, магнетит, ксенотим, циркон, монацит ва б.

Маъданнинг хусусияти бўлиб олтинни топилиш шакли ҳисобланади. Кўринадиган соф олтин умумий таркибдан 30%дан камроқни ташкил этади, баъзи холларда 10%гача, олтинни қолган қисми сульфидларда – пирит ва арсенопиритда кўринмайдиган ва юпқа дисперс шаклларда бўлади. Кўринадиган олтин асосан, чангсимон. Технологик жихатдан маъданлар “мураккаб” ҳисобланади. Сульфидли маъдандан олтинни ажратиш олиш флотациялаш, биоишқорлаш ва бошқа кўшимча усуллардан (цианидли сорбциялаш, куйдириш ва б.) фойдаланиб амалга оширилади.

Тақдим этилган намуналар асосан, терриген-чўкинди ва вулканоген-чўкинди жинслардан ташкил топган. Шунингдек, гоҳида гидротермал ўзгаришга учраган лампрофирлар, кварцли сиенодиоритлар, спессартитлар, диоритли порфиритлар дайкаларининг бўлакчалари ҳам учраб туради.

Олтин маъдан таркибли қатламни қамраб олувчи жинсларда нотекис тарқалган. Олтиннинг таркиби уларда 0,6 дан 14,5 г/т.гача тебраниб туради.

Кузатиш ва таҳлил натижаларига кўра қамровчи жинсларнинг олтинлашуви сульфидланиш даражасига, айниқса сульфид-маргимушли минераллашувига боғлиқ. Анча олтинлашган намуналарда арсенопиритни пиритга нисбатлари тахминан 2:1; 1:1; 1:2; 1:3; 1:4 бўлади. 1:5 ва 5 тадан ортиқ нисбатларда намунада олтин таркиби кескин пасайиши кузатилади.

Олтин сульфидларнинг бир неча парагенетик ассоциацияларида иштирок этади: 1) олтин-арсенопирит-пиритли (асосий махсулдор, олтин юпқа дисперс ва кўринмайдиган шаклларда); 2) олтин-арсенопирит-пирит-анкерит-кварцли (кўринувчи олтин, кам махсулдор); 3) электрум-полисульфид (хира маъдан, сфалерит ва б.)-кварц-доломитли (иккиламчи, олтинни кўринувчи шакли); 4) кварц-кальцит-антимонитли (кечки, кумушга махсулдор).

Олтин-арсенопирит-пиритли парагенетик ассоциацияда соф олтин асосий сульфидларда микроқўшмалар кўринишида бўлади, микрокристаллар уларни ён атрофлари ёки катаказ дарзликлари бўйлаб худудларидан чиқмаган холатда ривож топган. Хира маъдан, сфалерит, халькопирит, пентландит олтин билан ўсмалар холида учрайдилар ва микропарагенезислар ҳосил қиладилар.

Олтин-арсенопирит-пирит-анкерит-кварцли парагенетик ассоциацияда соф олтин арсенопирит, пирит, кварц, карбонатларда ва альбитда учрайди. Сульфидларда у микроқўшмалар ва микропарагенезислар ҳосил қиладилар. Олтин кўпинча 0,95-11,1% Fe аралашмасини ўз таркибига киритади.

Электрум-полисульфид-кварц-доломитли парагенетик ассоциацияда электрум (479-504‰) ва кюстелитнинг (216-247‰) бир-иккита микро доналари халькопиритда, сфалеритда, хира маъданда ўсма ва микроқўшмалар кўринишида ва пирит дарзликларида топилган. Электрум темир (1,67-4,66%) ва мис (0,94-1,57%) аралашмали. Кюстелит асосан сфалеритда ва хира маъданда кузатилган. Унинг таркибида Fe 2,61 ва Cu 1,02% гача аралашмалари бор.

Соф олтинли кварц-антимонитли ассоциация унча тараққий этмаган.

Кимёвий ва пробир таҳлил натижалари кўра, илгари бажарилган ва бизнинг тадқиқотимизда арсенопиритдаги олтин миқдори пиритникига қараганда 3-4 марта ортик. Агар намуналарда ва барча маъдан қамровчи жинсларда арсенопиритга қараганда пирит ўртача 4 марта кўп бўлишини инобатга олинса, унда тахмин қилиш мумкинки, олтинни пиритдаги жамланма миқдори арсенопиритдаги жамланма миқдоридан тахминан кўп ёки тенг.

Кумуш. Бошланғич маъданда уни ўртача таркиби 1,3 дан 43,0 г/т.гача. Маъдан намуналарида соф кумуш топилмаган. Кумуш элемент-аралашма кўринишида соф олтин таркибида 7,22 дан 29,6% гача, электрумда 29,62-49,49%, кюстелитда 68,72-74,75%, шунингдек хира маъданда 1,14 дан 9,96% гача, зелигманитда 0,58% гача иштирок этади.

Пирит. Маъданда уни таркиби 3,0 дан 13,1% гача бўлади. Маъдан қамровчи жинсларда пиритни бир нечта турдошлари кузатилади. Анча эрта генерациядаги I-пирит қора углеродли сланецларда углеродли махсул билан ассоциацияда. Шакли кубик. Кристалларининг ўламлари 0,05-2,0 мм. Бу пиритда олтин учрамаган.

II-пирит олтиндор. Минерал нотекис бўлган майда хол-хол идиоморф кристаллар, изометрик ва ксеноморф доначалар, уларни тўдалашган тўпланишларини, майда кристаллик ва майда донадор агрегатларни, томирча ва томирчасимон бўлақларни ҳосил қилади. Кристалларининг шакли – куб, пентагондодекаэдр ва уларнинг комбинациялари ва гохида нотўғри. Пирит баъзида катаклазлашган. Катаклаз дарзликларида олтинчалар учрайди. Бўлақларнинг ўлчамлари 0,001дан 3,0 мм.гача, ўртача 0,01-0,5 мм.

III-пирит кварц-карбонатли ва кварц-карбонат-альбитли томирча-томир ҳосилаларда топилган. У яхши қирраланган кубик кристалларни юзага келтиради. Анча кечки бўлган арсенопиритнинг узун-призматик ва игнасимон ажратмалари билан ассоциацияда.

Атом-абсорбцион таҳлиллар натижаларига кўра мономинерал пирит концентратида олтинни миқдори 4,6 дан 28,0 г/т.

Арсенопирит. Минералнинг иккита турдошлари ажратилган. I-арсенопирит олтиндор бўлиб, ўзгариши заиф серицитлашган, хлоритлашган ва кварцлашган жинсларга тегишли. Минерал қисқа призматик, чўзилган–

призматик, устунсимон, псевдобипирамидал кристаллардан иборат. Кристаллар кучсиз катаклазлашган. Арсенопирит, асосан, майда кристалли, ўлчамлари 0,051 дан 2 мм.гача бўлиб, 0,05-0,3 мм.ли бўлаклари устиворлик қилади.

Микрозонд тахлига кўра арсенопиритда, %да: Те – 0,28; Cu – 0,87; Ni – 6,43; Sb – 2,26; Au – 2,2%; Ag – 0,6гача аралашмалар аниқланган.

Атом-абсорбцион тахлил натижалари бўйича мономинерал арсенопирит концентратида олтиннинг миқдори 49,4 г/т ни ташкил этади.

II-арсенопирит бу яхши қирраланган узун-призматик ва игнали кристаллар, кўпинча уячали ёки томирчали кўринишдаги агрегатларга йиғилган. Бўлакларнинг ўлчами 0,005-0,1 мм. У III-пирит билан ассоциацияда, кварц-карбонат ва кварц-карбонат-альбитли томирча-томир хосилалар ва уларнинг зальбандларига тегишли.

Полиметаллик минераллар – халькопирит, хира маъдан, сфалерит маъдан намунасида кам миқдорда, асосий сульфидларда кўшмалар кўринишида, гохида, кварцлашган, карбонатлашган жинсларда майда хол-хол кўринишида бўлади.

Номаъдан минераллар. Уларга кварц, дала шпати, карбонатлар, хлорит, серицит, углерод махсули ва б. қиради. Келиб чиқишлари бўйича бу жинслар (алевролитлар, сланецлар ва б.) чўкинди-терриген, яшил тошли фациянинг регионал метаморфизмга учраган (кварц, хлорит, дала шпати) ва гидротермал жарённинг анча кечки (кварц, доломит, серицит, альбит) минералларидир. Аксессуарлар апатит, монацит, ксенотим, торит, сфен, рутил билан тақдим этилган.

Кокпатас маъдан даласидаги маъданлашувларни генетик хусусиятлари (1996-2016 йиллардаги бизнинг тадқиқотларимиз ва бошқа муаллифларнинг материалларини ҳисобга олган ҳолда). Кокпатас маъдан даласида эндоген маъданлашувлар учта босқичда бўлиб ўтган:

